

**Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг коррупцияга қарши курашиши комиссиясининг 2018 йилда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ХИСОБОТИ**

“2017/2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича” Давлат дастурида ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2017/2018 йиллар учун белгиланган чора-тадбирлар Комплекс режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Давлат тест маркази томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда: Хусусан,

Давлат тест маркази директорининг 2017 йил 8 февралда 01-53-сонли буйруғи билан “Давлат тест марказининг коррупцияга қарши курашиш бўйича 2017/2018 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси” ҳамда 2017 йил 13 апрелдаги 01-155-сонли буйруқ билан “2017/2018 йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Давлат тест марказининг мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур тадбирлар режасига мувофиқ, ДТМда ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фаолиятдаги очиклик ва шаффофликни таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юритиш борасида тушунтиришлар бериш мақсадида Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Тошкент давлат юридик университети масъул ходимлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Жумладан, **2018 йил 20 июнда** ДТМ ходимлари ва ёшлар иштирокида “Давлат тест маркази коррупцияга қарши” мавзусида очик мулоқат ташкил этилди. Ушбу анжуманда Адлия вазирлигидан Эргашев Икром Абдурасулович, “Ҳуқуқий ҳимоя” адвокатлик фирмасидан Юсупов Аброр Адилевич ҳамда Тошкент алоқа коллежи ўқувчилари иштирок этишди. Очик мулоқат ОАВ томонидан кенг ёритилди. Очик мулоқатда коррупцияга қарши курашишни кенг омма орасида тарғиб қилиш, ҳар бир киши ушбу жараёни ўзидан бошлаш лозимлиги, унинг Ватанимиз ривожланишига тўсқинлик қилиш омиллари, тест жараёнида буни олдини олиш бўйича тавсиялар берилди. Бундан ташқари анжуман иштирокчиларига видео роликлар намойиш этилди.

**2018 йил 28 сентябрда** ДТМ “Очик мулоқатлар куни” бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда “2017/2018 йилларда коррупцияга қарши Давлат дастурини ижроси” тўғрисида давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбатида Юнусобод тумани прокурори Бекназаров Шавкат Собиржонович иштирок этди.

**2018 йил 20 декабрда** ДТМ тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури” ҳамда 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Давлат тест маркази коррупцияга қарши” мавзусида, шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ижрочилар ҳамда аҳолини хабардор қилиш сифатини ошириш”нинг Давлат тест марказида ижроси

юзасидан олиб борилган ишлар ва келгусида бу борадаги ишларни аниқ механизмлар асосида ташкил қилишга қаратилган ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан навбатдаги очиқ давра суҳбати ўтказилди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими Ниёзходжаев Қахрамон Эркинович ва Адлия вазирлиги ходими Раджаббоев Дилмурод Қулдош ўғли ҳамда Давлат тест маркази ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир давомида бош прокуратура ва адлия вазирлиги ходимлари ўз маърузалари орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни расмийлаштириш бўйича кенг тушунчалар берилди ҳамда коррупцияга қарши курашга қаратилган ишлар, тезкор тадбирлар, коррупцияни олдини олиш механизмлари, шунингдек, муассасада бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар тақдим этдилар. Шу билан бирга, олиб борилаётган ишлар бўйича мавзуга оид видеолавҳалар намойиш этилди. Тадбир жонли мусохаба руҳида ўтди.

ДТМ ходимлари Бош прокуратура томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкил этиладиган барча семинар, ўқув-тренингларга ҳамда конференцияларга актив иштирок этиб келмоқда. Жумладан, **2018 йил 20 июнда** Бош прокуратура томонидан ташкил этилган «Обеспечение эффективной реализации мер по противодействию коррупции» мавзусидаги уч кунлик семинар-тренингда бўлим бошлиғи Ф. Мирзаев иштирок этди.

**2018 йил 10 сентябрда** Корпаратив бошқарув илмий-таълим маркази ҳамда Бош прокуратура билан ҳамкорликда ташкил этилган “Коррупцияга қарши” мавзусида ташкил этилган конференцияда ДТМ ходими Г. Мадрахимова, **14-16 ноябрь** кунлари Бош прокуратура томонидан ташкил этилган халқаро семинарда ДТМ ходимлари Ф. Мирзаев, Б. Тошпўлатов ва Г. Мадрахимовалар иштирок этишди.

Шунингдек, ҳар ойда 2 маротаба Давлат тест маркази директори томонидан тест жараёнларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупция ҳолатларини олдини олиш бўйича ходимлар ўртасида тушунтириш ишлари ташкил этиб келинади.

ДТМ фаолиятида коррупция ҳолатларини олдини олиш ҳамда эрта аниқлаш, бу борада фуқароларнинг фаоллигини ошириш мақсадида “Ишонч телефони” (**199 19 14**) фаолияти йўлга қўйилган.

Давлат тест марказига 2018 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами **1284** (2017 йилда **2254**)та мурожаат келиб тушган, шундан ёзма мурожаатлар **936** (**1832**) та, электрон мурожаатлар **117** (**204**) та, оғзаки мурожаатлар **62** (**173**) та, сайёр қабуллар сони **169** (**218**) тани ташкил этади.

Энг кўп мурожаатлар “Тест синовини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масаласи” бўйича келиб тушган бўлиб умумий мурожаатларнинг 50 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали тушган мурожаатлар сони **796** (**2422**) тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ижроси ўз вақтида таъминлаб келинмоқда.

Давлат тест марказида ходимларнинг касб этикасига ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши назорат қилиш мақсадида Одоб-ахлоқ комиссияси ташкил этилган (2018 йил 8 июль №01-169 сонли буйруғи). Шунингдек, “Одоб-ахлоқ қоидалари” тасдиқланган бўлиб, ҳар ҳафта ДТМнинг аппарат йиғилишларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилади ва муҳокама қилинади.

Шу билан бирга, ДТМда бўш иш ўринларини малакали кадрлар билан тўлдириш жараёнида ҳам очиқлик ва ошкоралик таъминлаш мақсадида Кадрларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш бўйича комиссия ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 февралдаги 130-сон Қарорига мувофиқ, ДТМнинг таркибий тузилмасида ходимлар сони ортганлиги (72/150) муносабати билан ДТМнинг расмий веб-сайти ([www.dtm.uz](http://www.dtm.uz)) ҳамда [www.vacant.uz](http://www.vacant.uz), [www.ish.mehnat.uz](http://www.ish.mehnat.uz) сайтларида, шунингдек “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар очиқ ва ошқора жойлаштириб борилди, ҳужжат тақдим этган фуқаролар билан суҳбат ўтказилиб, кадрларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш бўйича комиссиянинг хулосасига кўра ходим ишга қабул қилинади.

Жорий йилнинг май ойида ДТМ расмий веб-сайтнинг янги версияси яратилди ва ишга туширилди. Расмий веб-сайт орқали кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтирилди ва сифатини доимий яхшилаб боришга назоратга олинди.

2018 йилда ДТМ томонидан аҳолини фикрини ўрганиш мақсадида доимий равишда сўровномалар ўтказилиб келинмоқда. 2018 йилдан бошлаб тизимли равишда қуйидаги иккита аноним саволнома ўтказилмоқда:

1. ДТМ веб сайтида фуқоралар фикрини ўрганиш бўйича сўровнома.
2. Жойларда фуқоралар фикрини ўрганиш бўйича сўровнома.

Жорий йилнинг **20-28 июн** кунлари **300** ортиқ Тошкент шаҳри, вилоятлардаги абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ушбу сўровномаларда иштирок этишди.

Давлат тест маркази расмий веб-сайти орқали **3** та базавий интерактив ва **20** га яқин интерактив давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Шунингдек, расмий веб-сайтда КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ бўлими ташкил этилган бўлиб, у ерда ходимлар ва фуқаролар коррупцияга қарши кураш соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар билан мунтазам танишиб боришлари мумкин. Шунингдек, Давлат тест марказида ташкил этилаётган коррупцияга қарши, шанбалик, байрам тадбирлари тўғрисида тезкор маълумотлар Давлат тест марказининг сайтида жойлаштириб борилмоқда.

Ягона портал орқали қуйидаги интерактив давлат хизматлари кўрсатилмоқда:

- мурожаатларни кўриб чиқиш;
- бўш иш ўринлари;
- ДТМ директорининг виртуал қабулхонаси.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали интерактив хизматлар кўрсатиш сифатига доимий назоратга олинган.

Ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг Давлат тест маркази фаолияти билан тўғридан-тўғри танишишини таъминлаш мақсадида саҳифа ва каналлари очилган. Телеграмм тармоғида <https://t.me/officialdtm> канали орқали Давлат тест маркази фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. 2018 йилда ДТМ “Telegram” каналига **3300**, директорнинг расмий каналига **500**, “Facebook” саҳифасига **630** нафар обуначи аъзо бўлган.

Марказ фаолияти тўғрисида ахборотлар, маълумотлар, янги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида жамоатчиликни таништириб бориш мақсадида барча турдаги оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳамкорлик доирасида фуқаролар мурожаатлари бўйича оммавий ахборот воситаларининг сўровлари ёки Марказнинг ташаббуси билан фаолиятга доир ахборот ва маълумотлар ёритиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик доирасида 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида Давлат тест маркази раҳбарияти ва ходимлари томонидан **153** мартаба (2017 йилда **47**) оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган чиқишларнинг **73** таси телекўрсатув (2017 йилда **19**), **19** таси радиоэшиттириш (2017 йилда **4**), **46** таси мақолалар (2017 йилда **23**) ва **15** таси (2017 йилда **1**) сайтлардаги чиқишлардир. Чиқишларнинг **22** таси директор (2017 йилда **10**), **7** таси директор ўринбосари (2017 йилда **5**), **13** таси Давлат тест марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмалари ходимлари, **111** таси (2017 йилда **32**) бошқарма бошлиқлари, ходимлар ва Ахборот хизмати ҳиссасига тўғри келади.

Давлат тест маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги ПҚ–3389-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарорига мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларига кириш учун ташкил этиладиган тест синовлари жараёнида коррупцияни олдини олиш мақсадида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш учун республиканинг барча ҳудудларида тест синовлари катта сифимдаги биноларда ташкил этилиши, бутун жараён видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовлари жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришлари, абитуриентларни шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали бинога тегишли ҳудудга киритиш тизими йўлга қўйилди.

Тест жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этадиган **8633** та профессор-ўқитувчилар ДТМ томонидан тест синовлари жараёнида коррупцияни олдини олиш мақсадида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш учун махсус курсларга ўқитилди. Курслар жорий йилнинг **25-30 апрель, 1-10 май, 2-4 июль** кунлари ташкил этилди. Курс якуни бўйича ўтказилган танловда **5285** та профессор-ўқитувчиларга тест жараёнига иштирок этиш учун гувоҳномалар берилди.

Давлат тест маркази биноти ва кириш қисмида ДТМ фаолиятига оида очик ахборотлар рўйхати ва “Биз коррупцияга қаршимиз” номли плакат ўрнатилган.

2018 йил давомида 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланди. Шундан бтаси Вазирлар Маҳкамаси қарори ва **6 таси** Адлия вазилигидан рўйхатдан ўтказилган ДТМ ва масъул ташкилотларнинг қўшма қарорларидир. Шунингдек, бошқа вазирлик ва ташкилотлар томонидан киритилган **2 та** НХХ лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди, коррупция омиллари аниқланмади. Бундан ташқари ҳисобот даврида **215 дан ортиқ** фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар экспертизадан ўтказилди. Экспертиза жараёнида коррупция ҳолатлари аниқланмади.

Шу билан бирга ДТМ ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган товар (махсулот ва хизматлар)ни сотиб олишни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Давлат харидлари соҳасидаги Ягона портал ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) орқали амалга ошириб келмоқда.

Шунингдек, ДТМ директорининг 2018 йил 25 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси 3-сон йиғилиши баёни ижросини таъминлаш ҳақида”ги 01-33-сон буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруққа мувофиқ, “Давлат тест марказининг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонлари тўғрисидаги Низом”и ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.